



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДХ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саммит кун тартибидан МДХ доирасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг барча йўналишларида, шунингдек, янги хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш соҳасида кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш масалалари ўрин олган. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ҳамдўстликнинг узоқ мuddатли вазибалари борасида Ўзбекистон Республикаси нуктаи назарини тақдир этиши ва амалий шерикликни кенгайтиришга доир аниқ тақдирларни илгари суриши кутилмоқда. Мажлисида делегациялар раҳбарлари МДХни 2030 йилгача бўлган мuddатда янада ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ва уни амалга ошириш режасини кўриб чиқадилар. Ушбу ҳужжатларда ҳам-

корликнинг яқин ва ўрта мuddатли истиқболдаги стратегик мақсадлари ва асосий тадбирлари белгиланган. Учрашув якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинганнинг 75 йиллиги муносабати билан ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотлар, шунингдек, Ҳамдўстлик фаолиятининг турли жиҳатларига доир, жумладан, 2021 йилда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган. Таъкидлаш жоиз, жорий йилда Ўзбекистон МДХга раислик қилишдек масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олган эди. Пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитларга қарамай, мамлакатимизнинг Ҳамдўстликка раислиги

концепцияси тўлиқ ҳажмда амалга оширилди. Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, МДХнинг бошқа устас ва тармоқ органларининг мажлислари муваффақиятли ўтказилди. Қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, 2030 йилгача мuddатга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт стратегияси, Транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, туризм, спорт ва ёшларга оид сиёсат соҳаларида ҳамкорлик стратегиялари ва бошқалар қабул қилинганга ўттиз йил тўлади. Умуман, 60 га яқин кўп томонлама тадбир ўтказилди, Ҳамдўстликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга хизмат қиладиган 70 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнгига эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганга ўттиз йил тўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақам иродаси ва матонатини намоян этди, оғир синов ва машаққатларни мардона ениб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очиқ ва демократик давлатга айланди.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамастан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустақамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлини сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгилаш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа — Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу кўтлуг санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда

### Интервью

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 30 ЙИЛЛИК ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ — ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИ

Келгуси йили халқимиз ўз тарихидаги гоят оламшумул воқеликни — жонажон Ватанимиз давлат мустақиллигининг кўтлуг 30 йиллигини кенг нишонлайди. Бу муҳим санага тайёргарлик ишларини кўтаринки руҳда, юқори савияда ташкил этиш, байрамни юртдошларимизнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг хотирасида бир умр сақланадиган тантана сифатида нишонлаш гоят муҳим тарихий аҳамиятга эга.

Давоми 2-бетда



Хаким ЮҲДИШЕВ олган суратлар.

### Муносабат

## ШОЛИЧИЛИК: ЯНГИ САМАРАДОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Президентимиз 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташири давомида қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишганди. Туманларни ихтисослаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, ёмюрлатиб сугориш тизимини жорий қилиш бўйича топшириқлар берганди. Шунингдек, шоли экишида адолатли таъминлаб, аҳолига ер майдонлари ажратиб бериш, шу орқали одамларни иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам вазифалар қўйилди.

Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабрь куни қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди



Қиш мавсумида тармоқ ва ҳудудларда узлуксизликни таъминлаш учун суткасига 10-12 миллион киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Бу қувватни “Тошкент”, “Сирдарё”, “Янги Ангрен” электр станцияларидаги 900 мегаваттга 5 та энергоблочки ишга тушириш ҳисобидан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.




Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида суткасига 20 миллион куб метр танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан кўрсатма берди. Бунинг ҳисобига кунига 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда ҳудудларга йўналтирилади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга “риск-сервис контракт” шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги айтилди.

Мисол учун, аҳоли ва ижтимоий объектлар учун ажратилган маҳаллий кўмирнинг 60 минг тоннаси ҳали эгаларига етказиб берилмаган. Муборақда гишт ишлаб чиқариш заводи ер остидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланиб, 4,3 миллион куб метр газни талон-торож қилган. Бу 8 мингта хонадоннинг бир ойлик газ таъминотидир.



Иссиқлик таъминотидаги 153 та қозонхона ва 2 минг 802 километр тармоқларни таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланди.



Йиғилишда яна бир долзарб масала — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифалари атрофлича муҳокама қилинди.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўзгариши прогноз қилинмоқда. Шу боис, ички бозорга асосий турдаги товарларни кафолатли етказиб бериш учун махсус жамғарма ташкил қилиниб, 50 миллион доллар ажратилган.



Ушбу маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда, ўсимлик ёғи ва бошқа зарур маҳсулотларни сотиб олиб, камида 3 ойлик захира яратиш бўйича кўрсатма берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланчи 1-бетда

2. Республика комиссияси бир ҳафта мuddатда қўйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"

Ҳақиқатда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар;

мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар;

"Инсон манфаатлари — ҳамма нарсасдан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодийни либераллаштириш, иқтисодий тармоқларга маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодийни жорий этиш, ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгилаган вазифалар ижроси;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини енгилаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Беш муҳим ташаббус", "Бир миллион дастурчи" каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун қўмақ ва ёрдам бериш, тадбиркор

аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бориш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини турар жой билан таъминлаш, хусусан, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кеска авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва қўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аجدодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгиланган муҳим узоқ муддатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқарши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар;

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзуро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшиланиши, минтақавий ва халқаро муаммоларни биргаликда ҳал этиш саъй-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган катта эътибор, хусусан, Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилингани, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мутиридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноят комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб,

экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган мезонлар асосида доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадрларнинг руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар.

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов): Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

жоёларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадий кечалар ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини таърифлашга оммавий томошалар бўйича юксак саҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшчилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон уюшмаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда "Истиклол" мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро халқа йўлини "Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги" деб номлаш;

"Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган "Янги Ўзбекистон" китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз билебей саналарини мустақиллиkning ўттиз йиллиги ғояси ва руҳи билан уйғун ва ҳамохам ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (музыка, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестивал ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган

энг яхши қўшиқ ва музыка асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги тақдирларни маъқулласин.

Вазирлар Маъкамаси икки ой мuddатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков): а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориздан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хоризий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Д.Қурбанов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ҳоджиматов) ва Ўзбекистон уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида таниқли санъат намояндалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджетни маблағлари ҳисобидан чоп этисин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камиллов) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ҳоджиматов) билан биргаликда хоризий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хоризий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган

ҳолда "Ўзбекистон кунлари"ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Ҳаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маъфатдор ва зирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой мuddатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маъкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намойишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Ўзбекистон уюшмаси (С.С.Саидов), Журналистлар ижодий уюшмаси (Х.Х.Салимов) ва бошқа маъфатдор ташкилотлар билан биргаликда "Энг улуг, энг азиз", "Ранглар жилосида — она дийр", "Ватан учун яшайлик!" каби аънавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилла қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасига мувофиқ республика бюджетни ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилди.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Ҳаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Қўчматов), "Дунё" ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 17 декабрь



ЎЗБЕКИСТОННИНГ 30 ЙИЛЛИК ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ — ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИ

Интервью

Бошланчи 1-бетда

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг кунни кеча имзолаган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарори энг улуг, энг азиз байрамимизни муносиб нишонлаш, истиқдолнинг халқимиз онгу тафаккури, дунёқарши ва турмуш тарзидаги ифодасини кенг тараннум этиш, қўлга киритган салмоқли ютуқларимиз билан юрдошларимизнинг шижоатини юксалтириш борасидаги муҳим ҳужжат бўлди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарорини ўқиб, беихтиёр ҳаёлим бундан ўттиз йил олдинги тарихга кетди. Уйлаб қаралса, ҳазилакам йўл босиб ўтилгани йўқ. Жуда мураккаб ва оғир йўл босиб ўтилди. Ҳар бир йил, ҳар бир воқеа ҳақида

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор:



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда халқимизнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида туб бурилиш ясалди, деб дадил айта оламиз. Зеро, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини ҳақоний воқелика айлантириш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритганимизни кенг жамоатчилик эътирофи эътиёр.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

Шухрат РИЗАЕВ, "Ўзбекино" Миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари:



— Биз, бир гуруҳ қаламкашларни мутасаддиларимиз ер усти янги метро йўналиши бўйича экскурсия қилдик. Шунда, очиги, мен ҳаяжонли бир ҳолатга тушдим. Сабаби, хоризнинг энг ривожланган мамлакатларида худди шундай йўналишда ҳаракатланаётган транспортларни кўрганман, лекин вақтисоати етиб, бундай янгиликларнинг юртимизда ҳам бўлиши ақл боғар қилмайдиган ишдек туюлган. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига

соатлаб гапириш мумкин. Мисол учун, охириги тўрт йилни олайлик. Ҳаётимизда тубдан ўзгаришлар юз берди. Тафаккурлар ўзгарди. Одамларнинг яшашига муносабати ўзгарди. Ҳаётга, меҳнатга, атроф-муҳитга, дунёга мултола бошқача қараш пайдо бўлди. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғояси катта бир дастурий йўналиш сифатида, илм тили билан айтганда, концептуал йўналиш сифатида ҳаётимизга сингиб борапти.

шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамадан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Бугун биз ифтихор билан мустақиллигимизни муносиб нишонлаш тўғрисида гапирялмиқ. Мана шу муносиб нишонлаш учун яратилаётган шароитлар янги Ўзбекистоннинг янги қудрати ва янги имкониятларини бутун дунёга очляпти. Янги Ўзбекистон кенг маънода дунёга очляпти. Мустақиллигининг тарихий ҳақиқати ва тарихий кадри ҳам мана шунда.

тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қароридан мана шу ер усти метро йўналишига "Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги" деб ном бериш ҳақида алоҳида банд мавжудлиги ниҳоятда ўринли ва тўғри иш бўлганини ҳис қилдим. Айнан ўттиз йилликда биз бутун пойтахтнинг белига тўлиқ олмос камар бўладиган халқа йўлини барпо этдик. Бу, шубҳасиз, ҳар қандай қўламли яратиш билан бирга, халқимизнинг бунёдкорлик соҳасидаги салохияти нақадар юксалганини кўрсатади.

Энахон СИДДИҚОВА, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор:



— Давлатимиз раҳбарининг улуг мақсадларга, улкан орзуларга олтиратадиган мустақиллик байрамимизнинг 30 йиллигини тантанали кутиб олиш ва нишонлаш тўғрисидаги қарори жуда тарихий аҳамиятга эга. Ушбу қарорда халқимизнинг юрагига қувват ва қудрат берадиган эзгу ғоялар ўзининг ифодасини топган.

Бугун Ўзбекистон дунёга замонавий, очик, демократик давлат сифатида ўзини намён этипти. Демак, мана шундай муҳим паллада ҳаммамиз ҳамжихат бўлиб,

Минҳожиддин МИРЗО, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор:



— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан белгиланган кенг қўламдаги маънавий-маърифий ислохотлар моҳиятида халқимиз учун мустақиллик берган улуг неъматнинг маҳсуллари ўз ифодасини топади. Бу каби ишлар янги Ўзбекистон ёшларини мустақиллиkning нафақат кадрига етувчи, балки уни бутун вужуди билан асраб-авайлайдиган, номуни ва тараққиёти учун қайғурадиган ёшлар бўлиб камол топишида узига хос мактаб бўлади.

Ёдгор САЪДИЕВ, Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти:



— Мустақиллик ўзини ва ўзлигини англаган, аждодларимиз тарихини чуқур билган киши учун чинакам улуг неъмат ва байрам. Келгуси йили унга 30 йил тўлади. Шу боис, давлатимиз раҳбари уни кенг нишонлаш мақсадида, айтиш жоизки, тарихий қарор қабул қилди. Унда жуда кўп чора-тадбирлар белгиланган. Истиқлолимизнинг 30 йиллигини биз бу гал буткул ўзгача руҳ ва шўхуқ билан қарши оламиз. Мен шу ўринда унинг фақат бир жиҳати хусусида тўхталмоқчиман. Қарорда пойтахтимизда кенг ва муҳташам "Истиклол" мажмуаси қурилиши

мустақиллигимизнинг улуг санасига тайёргарлик кўриб, уни ўтказиш жараёнида ватанпарварлигимизни кўрсата олишимиз керак.

Шунингдек, сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам жуда катта иқбиллий ислохотлардир. Бугун мамлакатимизда суд, ҳуқуқ-тартибот идораларини ислох қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бутун дунёга акс-салоқ бериб, муносиб эътирофини толяпти.

Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик тантанасига тўёна сифатида ўтган даврда эришилган ютуқлар, бу шарафли йўлда кечилган заҳмат ва меҳнатлар, бир сўз билан айтганда, мана шу йиллар давомида қилинган барча ишлар ўз ифодасини топади. Уни мажозий маънода мустақиллик солномаси, деб аташ мумкин.

Кўп узоққа бормай, кейинги 3-4 йил ичида қилинган ишларга бир назар ташланг. Жуда қисқа вақт ичида янги Ўзбекистон пойдевори асос солинди. Барча соҳада улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўттиз йиллик истиқлол тарихимиз ўз қаҳрамонларини етиштирди. Улар ҳақида бадий ва санъат асарлари яратилмоқда. Насиб қилса, бизнинг театр жамоамиз ҳам улуг байрамимиз шарафига замонамиз қаҳрамонлари ҳақида саҳна асарлари тайёрлаб, томошабинларга етказишни ниёт қилиб турибди.

Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

Муносабат

ШОЛИЧИЛИК: ЯНГИ САМАРАДОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



**Гийсон РАХИМОВ, Илгор илм-фан, инновацион технологияларни жорий қилиш корхонаси раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибидир.**



Бошланғич 1-бетда

Бугунги кунда жаҳон бозоридида нефть, пахта, газ, электр энергияси нархи пасайиб, озик-овқат маҳсулотлари қиймати эса ошиб бормоқда. Пандемиянинг ўта салбий таъсири боис, кўплаб давлатлар ун, дон, гуруч, ёғ, картошка кабиларни экспорт қилишга чекловлар ўрнатди.

Шундай бир кезде мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг зарур маҳсулотларни етиштиришни йўлга қўйиш гоята муҳим. Жумладан, дастурхонимиз кўрки ва юртимиз брендига айланган таомларни тайёрлашда асосий ўрин тутган шולי етиштириш борасида ҳам. Президентимиз 2018, 2019, 2020 йилларда Хоразм вилоятига ташириқлари чоғида бошқа соҳалар қатори шолчилик тармоғидида камчиликларни таҳлил қилиб, илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш, кам сув талаб қиладиган технологияларни қўллаш, шוליпоёларда балиқ етиштириш усулини жорий қилиш бўйича алоҳида топшириқлар берган эди.

Ўзбекистонда аҳолининг гуручга бўлган ўртача йиллик эҳтиёжи 333,2 минг тоннани ташкил қилади. 2020 йилда республикаимиздаги 96 та тумандаги 128,1 минг (2019 йилда 113 минг) гектар ерга (74,8 минг гектар асосий, 53,3 гектар такрорий) шולי экиб, 320 минг тонна гуруч етиштириш режалаштирилганди.

Аммо бу ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш учун етарли эмас. Бу ҳолда, ўз навбатида, янги технологиялардан самарали фойдаланишни тақозо эътипти. Хусусан, вилоятларда қўшимча 11 минг гектар ерга такрорий экин сифатида шוליни кўчат усулида экиш татбиқ этилди, гуруч етиштириш ҳажми 380 минг тоннага етади. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида такрорий экин сифатида кўчат усулида шולי экиш бўйича топшириқлар берилган.

Сув хўжалиги вазири Илгор Раҳимовнинг таъкидлашича, шולי етиштириш технологияси бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрланган. У сугорилмаган ва турли даражада шўрланган ерларда шוליни бугдойдан кейин такрорий экин сифатида кўчат усулида экишни афзалликлари, сув ва бошқа ресурслардан тежамли фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда шולי пишиш даврини 20–25 кунга тезлаштириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш тўғрисидаги муайян маълумотларни ўз ичига олган.

Бу технологияни қўллаш натижасида ҳар гектар ерда йиллик сув сарфи 40 фоиз, уруғлик шולי 60 фоиз, қиммий гербицидлар сарфи 100 фоиз, минерал ўғитлар сарфи 25 фоиз, меҳнат сарфи 40 фоизгача тежаллади ҳамда шолнинг 20–25 кун эрта пишиши имконият яратилиб, гектаридан 3–3,5 тоннадан ортиқ шולי ҳосили олинади.

**БОСТИРИБ СУГОРИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА ЯНГИ УСУЛДА ЭКИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Ҳозирги вақтда шוליпоёлар бостириб сугорилиши, сувнинг узок туриб

қолиши ер ости суви оқими бузилишига олиб келади. Бостириб сугоришда минерал ўғитларнинг 15–20 фоизи сув билан оқиб чиқиб кетади. Бундан ташқари, турли бегона ўтлар кўпаяди ва улар шולי ҳосили билан аралашиб, маҳсулот сифатини пасайтиради, ортиқча сарф-харажатлар олиб, иқтисодий самарадорлик паст бўлади.

Республикаимизда шолнинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларини асосий ва такрорий экин сифатида кўчат қилиб экиш мумкин. Бунда 40–45 кун давомидида катта майдонларда шוליни бостириб сугориш, ўтоқ қилиш каби ташвишлар ва харажатлар ўз-ўзидан бартараф бўлади.

Такрорий экин сифатида экишда кўчатхоналарда шולי уруғ сифатида қадалиб, навларнинг биологик хусусиятларига қараб 35 кунгача булган вақт давомидида ўстирилиб, сув ва ўғит билан шу ерда парваришланади.

Бундай ниҳоллар ҳосилдорлиги уруғдан экилиб, бостириб сугорилган шוליга нисбатан камида 25–30 фоиз ортиқ бўлади. Уларнинг пояси бақувват, ҳосил тўллаш даражаси жуда юқори, шамол таъсирига бардошли. Уруғдан ўстириладиган шолнинг барча навлари кўпинча нимжон ўсиб, говлаб, ўрми-йигим вақтида ётиб қолиши кўп қузатилади. Натижада етиштирилган ҳосил далада тўкилиб, комбайн билан ўриш имконияти камайиб, ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Шолни кўчат қилиб экишда бегона ўтларнинг шוליпоёлларда ўсиши ўз-ўзидан камайди. Сабаби, кўчатни далага экиш пайтида бегона ўтлар олиб ташланади. Шу боис, гербицидлар ишлатилмайди. Ўсиш даврида энг кўп қўл меҳнати талаб қиладиган ўтоққа зарурат қолмайди. Такрорий экин сифатида кўчат қилиб оптимал даражада ҳосил етиштириш учун шולי тўла пишиб етилишида талаб қилинадиган очқ, иссиқ кунлар сони ва зарур фойдали ҳарорат юртимиз шароитида етарлидир.

Яна бир муҳим жиҳат. Янги технология қўлланганда, гектаридан 150–170 килограмм уруғлик шולי иқтисод қилинади. Кўчат қилиб экиш усулида шוליга сарфланадиган умумий сув миқдори 30–40 фоиз тежаллади. Ҳосилдорлик 20–25 фоиз ортиқ бўлади. Ерлар чуқур ҳайдалмайди. Трактор ва қиммий гербицидлар берилмаган механизмлардан фойдаланиш 30–40 фоиз камайиб, ёқилги-мойлаш материаллари, сув насосларига кетадиган электр энергияси ҳам шунча миқдорда тежаллади.

**ШОЛИНИ КЎЧАТ УСУЛИДА ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ**

Юртимизда барча шולי навларини кўчат усулида ўстириш мумкин. Уларнинг эртапишар, яъни 80–110 кунда пишадиган навларини кўчатхонада унгандан кейин 20–25 кунлигида далага олиб чиқса бўлади. Кечпишар навлари эса 30–35 кунлик парваришни талаб қилади.

Шולי кўчатхоналари ҳажми аксар ҳолда 100 квадрат метрни ташкил этади. 15–20 сантиметр чуқурликда ҳайдалган майдонга маҳаллий ўғит солинади, сувни бир меъёрга ушлаб туриш учун текисланади.

Томирига зиён етказмаслик учун кўчатлар экишдан олдин устки қисмидан 60 сантиметр узунликда қирқиб олиниб, махсус механизмларга жойланади ва меъёрига қараб экилади. 2–3 кундан кейин сувни 8–10 сантиметр кўтариш, 5–6 кундан сўнг йиллик азотли ўғит миқдорининг учдан бирини солиш зарур. Кейинги агротехнологиялар шולי етиштириш бўйича қўлланмаётган амалдаги тавсияномалар асосида бажарилади. Уларга амал қилган деҳқонлар йилгига икки марта ҳосил олиши мумкин.

Шолни ускуналар ёрдамида кўчат қилиб экишда Жанубий Кореядан келтирилган РА600D-Р ва RF-455 каби шולי экиш машиналаридан фойдаланиш самарали бўлади.



Шолни такрорий экин сифатида кўчат қилиб қўлда экишда ер 18–20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади ва 10–12 сантиметр сув бостирилиб, мола ёрдамида текисланади. Сунг сув сатҳи 5–7 сантиметргача камайтирилади ва тайёрланган кўчатлар ҳар бир уяга 2–4 тадан қадалади. Бизнинг тупроқ ва иқлим шароитимизда 15x10 сантиметр услубида экилган ниҳоллар юқори ҳосил бериши илмий жиҳатдан асосланган.

Шубу технология бўйича томорқа ва ҳовли жойларда фойдаланилмай турган ер майдонларидан ҳам навларига қараб шолни кўчат қилиб экиб, 300–500 килограммгача ва ундан ортиқ миқдорда шולי дони олиш мумкин. Ундан ўртача 250 килограмм гуруч олинади. Бу эса 2–3 та оиланинг йиллик талабини қондиришга етади.

**ВЬЕТНАМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Вьетнамнинг нам ва иссиқ клими шולי етиштиришга энг қўлайдир ва ҳар йили 2–3 марта ҳосил олинади. Мамлакат шולי етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Гуручларнинг биокиммий таснифига қўра, крахмал моддаси кам бўлгани боис, энг хари дорғир ҳисобланади.

Янгича ёндашувлар

ҲОКИМЛАР ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ  
Хўш, бу тадбир жамиятга нима беради?



**Фармон ТОШЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

Жаҳон тажрибаси кўрсатяптики, аҳолининг ижтимоий фаоллиги, энг аввало, унинг шу жамиятдаги ўзгаришлардан, олиб борилаётган ислохотлардан хабардорлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили юртимизда бугун давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланди ва ўз самарасини берапти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида илгари сурилган фикрлар халқ билан мулоқот нечоғлиқ фойдали эканини амалда кўрсатяпти.

Йиш этилиши шаҳардаги аҳолидан нафақат депутатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ННТ фаоллари, балки ҳар бир сайловчи ва аҳоли воқиф бўлишига имконият яратди. Шунинг учун улар томонидан ижтимоий тармоқлар орқали шу пайтнинг ўзида шаҳар мутасаддилари саволлар, таклифлар билдирилди.

Б.Облоқулловнинг таъкидлашича, пандемия шароити бўлишига қарамай, йилнинг ўтган 11 ойида ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бўйича белгиланган режалар бажарилган. Яъни бу борадаги

71 та лойиҳани амалга ошириш орқали 473 миллиард 617 миллион сўм инвестиция ўзлаштирилган. Жорий йил якунигача эса жами 83 та лойиҳа ишга туширилиши ва 1,2 триллион сўм қийматидидаги сармоя ўзлаштирилиши натижасида 1523 та янги иш ўрни яратилиши кўтилмоқда.

Шаҳардаги 250 та меҳмонхона ва меҳмон уйида жорий йилнинг 9 ойи учун 120 минг хорижий фуқарога жойлар банд қилинган ҳолда пандемия сабабли буюртмаларнинг аксарияти бекор қилинди. Оқибатда 95 миллиард 300 миллион сўмлик тушумдан маҳрум бўлинди. Туризм йўналишидаги 331 та корхона фаолиятини тўхтатиши оқибатида 4530 нафар фуқаро вақтинча ишсиз қолди.

Сессияда келгуси йилда барча йўналиш ва тармоқларда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун режалар белгилангани қайд этилди. Жумладан, 2021 йил биринчи ярмида 4,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ўсиш суръатини 103 фоиз ошириш режалаштирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 7,6 минг фуқаро мақсадли дастурлар доирасида яратилмаган ва бўш, вакант ўринларга ишга жойлаштирилади. 5,4 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш учун 5 йўналишда субсидия маблағи ажратилади.

Йил давомидида ижтимоий соҳанинг 40 дан ортиқ муассасасида қуриш,

мукамал таъмирлаш, реконструкция ишларини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Янгидан вужудга келган Қорақалпоғистон вилоятидаги 10 та турар жой биноси қурилади.

Сессияга депутатлар қайси округдан сайланганидан қатъи назар, ҳар бир сайловчи мурожаатини ўрганиши зарурлиги, лойиҳалар ижросини таъминлаш учун ишчи гуруҳлар тузиш ва уларнинг якуини сессия ёки доимий комиссияда муҳокама қилиш таклифи билдирилди. Аҳолидан тушган таклифларнинг ҳам аксарияти барча соҳаларда очқилишни таъминлаш, шаҳар коммунал хўжалиги, жамоат транспорти билан боғлиқ бўлди.

Депутатлар М.Қурбонов ва Ш.Алибековнинг фикрича, энди ҳар бир сектор раҳбари ушбу мурожаат асосида депутатларга, аҳолига ҳар бир лойиҳа моҳияти, ижросининг ҳолати юзасидан ахборот бериб боришини йўлга қўйиш зарур.

Мисол учун, 2021 йилда шаҳар ичидан оқиб ўтувчи 5 та канал ва коллектор, уларнинг соҳиллари тартибга келтирилиши режалаштирилган. Бу борада ишлар бошланган ҳам. Аммо масала эътибор-талаб. Чунки соҳиллардаги юздан ортиқ иморат бузилиши, ариқ, каналлар ёқасида спорт йўлаклари, истироҳат майдончалари барпо этилиши лозим. Бу жараёнга депутатларни, фаолларни ҳам жалб қилиш керак. Аҳоли ўртасида тарғибот, уй эгалари билан суҳбат ўтказиш, архитекторлар ўртасида турли майдончалар лойиҳасига танлов уюштириш, бузиладиган хонадонлар эгаларини турар жой билан таъминлаш кабилар ўз вақтида сифатли бажарилиши шарт. Бунинг учун жараённинг ҳар бир йўналишига депутатлар бош бўлиши ва ишни тезлаштириш чораларини кўриши керак.

Халқ депутатлари Самарқанд тумани кенгаши сессиясида туман ҳокими Н.Мавлонов пандемия сабабли 565 та сановат корхонасининг 76 таси фаолиятини вақтинча тўхтатгани, бошқалари ҳам кам қувватда ишлаганини очқ айтди.



Оқибатда сановат ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилдагига нисбатан 6,2 фоиз, 9 ой якуни бўйича 0,9 фоиз камайди. Сектор раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан "корхонабай" иш олиб борилиши натижасида 11 ой якунига қўра, сановат ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 380 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 фоиз кўпайган.

2021 йил биринчи ярим йилликда 813,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Гарчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, хизматлар кўрсатиш, чакана савдо бўйича ҳам йил бошида белгиланган режалар ортиги билан бажарилган бўлса-да, тумандаги имконият бу қўрсаткич янада оширишни тақозо этади. Туманининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида М-37 ва М-39 халқаро автомагистрал йўллари атрофида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, "MIX ROYAL PALACE" масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий мотел, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, замонавий санитария-гигиена шохбачаси ва нон музейи лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. "INTRAMED" корхона эса 236 миллиард сўмлик лойиҳа

ассосида юқори технологик тиббий марказ ташкил этилмоқда. Булардан ташқари, Қонигил ва Оқбўйра қишлоқларида бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган сайёҳлик масканлари бунёд этилди.

Бугунги кунда тумандаги паррандачилик хўжалиқларида 1,4 миллион бош ва аҳоли хонадонларида 1,1 миллион бош парранда парвариш қилиниб, 607,1 миллион дона тухум етиштирилмоқда. Келгуси йил биринчи чорак якунига қадар 1,3 миллион дона тухум етиштириш имконини берадиган яна 3 та лойиҳа амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари муваффақиятлар қатъий интизом ва тафаккурга боғлиқ эканини таъкидлаб келади. Қатъий интизом — бу белгиланган ҳар бир режа ифросига масъулият билан ёндашиш, тафаккурга асосланган эса утуқлар салмоғини ошириш бўйича замонавий илм-фан ютуқларига таяниб ишлаш, деганидир.

Туман депутатлари ва фаоллари паррандачилик, лимончилик ва омихта ем кластерларини ривожлантириш таклифини билдириди. Хусусан, айрим лойиҳаларнинг олдидан эълон қилиниши ишбилармон, мутахассис ва олимлар эътиборини жалб этиши алоҳида таъкидланди.

Бошқа туманларда ҳам ҳокимлар мурожаати давлат органларининг янги иш усули сифатида қабул қилинган.



Бугуннинг гапи

# “МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ”

маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича янги тизим жорий этилади

**Раҳмат МАМАТОВ,**  
маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Нихоясига етиб бораётган жорий йил мамлакатимизда маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш, уни одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилмага айлантиришда туб бурилишлар даври бўлди.

Албатта, бундай янги тизимга эҳтиёж бор эди. Чунки Хоразм вилояти маҳаллалари фаолияти атрофлича ўрганилганда, маҳалла раислари ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига оид ҳисоботлар юришти, солиқ йиғимларини ундириш, аҳолига кўмир ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш, ноқонуний қурилишларни бузиш, тизимга алоқаси йўқ турли йиғилишларда қатнашиш каби ўз фаолиятига мутолақа дахлдор бўлмаган юмушларга жалб этилаётганига гувоҳ бўлинди. Бунинг оқибатида эса маҳалла ходимлари аҳоли бандлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ажримларнинг олдини олиш каби ўзларининг бирламчи вазифалари билан шуғулланишга имкон ҳам, вақт ҳам топа олмаган.

Шу боис, бу каби камчиликларни бартараф этиш ҳамда давлат идораларининг маҳаллада ўз вазифасини тизимли равишда амалга ошириши бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, вазирлик ва тармоқлар, банклар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Хоразм вилоятидаги мавжуд 519 маҳалланинг муаммолари атрофлича ўрганилиб, уларда яшовчи аҳолининг имкониятлари, одамларнинг даромадини ошириш, қайси йўналишлар бўйича иш олиб бориш кераклигини келиб чиқиб, ривожланиш нуқталари белгиланди.

46 та маҳаллага 3 та банк бириктирилди. Чунки Хоразм вилояти маҳаллалари фаолияти атрофлича ўрганилганда, маҳалла раислари ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига оид ҳисоботлар юришти, солиқ йиғимларини ундириш, аҳолига кўмир ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш, ноқонуний қурилишларни бузиш, тизимга алоқаси йўқ турли йиғилишларда қатнашиш каби ўз фаолиятига мутолақа дахлдор бўлмаган юмушларга жалб этилаётганига гувоҳ бўлинди. Бунинг оқибатида эса маҳалла ходимлари аҳоли бандлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ажримларнинг олдини олиш каби ўзларининг бирламчи вазифалари билан шуғулланишга имкон ҳам, вақт ҳам топа олмаган.

Бундан бундан давлат ташкилотлари вакиллари ҳамда вилоят ва тумандаги маҳаллий раҳбарлар маҳалла раислари билан бирга маҳаллада ишлаш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарларига кўмакчи бўлиши, “маҳалла раиси — ислоҳотчи” тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этилишига алоҳида уруғ берилди. Шу билан бирга, мазкур тизимни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳалла раисларини шу йўналиш бўйича ўқитиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

2020 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тартибини жорий этиш, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш, бу орқали хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини мутолақа янги босқичга олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш вазифалари белгиланган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси ва тегишли ҳамкор ташкилотлар, ҳокимликлар вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида 28 та туман ва шаҳардаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганди. Шу асосда “Аёллар дафтари” жорий этилди ва янги тизим асосида ҳокимликлар билан ҳамкорликда қатор ишлар бажарилди. Шу билан бирга, айни кунларда қолган туман ва шаҳарларда ҳам мазкур тизимни тўла татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига сафари давомида мазкур масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтар экан, юртимиздаги қайси оилаларда қишлоқлик, аёлларни қийнаётган муаммо, албатта, ижобий ҳал қилиниши зарурлиги, шу пайтга қадар бу жиддий масалага пажна орасидан қараб келингани, хотин-қизлар ҳолидан фақат байрамлардагина хабар олинганини кўниб сўзлади. Мамлакатимизда “Аёллар дафтари” жорий этилгани, бундан бундан маҳалла тизими ходимларининг оила маоши ҳудудда жиноятчилик жиловлангани, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” билан ишлашдаги натижаларга қараб оширилишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу топшириқ ҳамда вазифаларнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши натижасида маҳалла тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли муносабатлари билан ишлаш, одамлар дардини тинглаш, тизимдаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни тўла-тўқис бажариш, соҳада меҳнат қилаётган фидойи ходимларга зарур шарт-шароитлар яратишга, албатта, эришилади.

Шунингдек, Президентимиз маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла ходимлари ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликдан хабардор бўлиши, ушбу салбий ҳолатни жиноят содир этган шахснинг ота-онаси билан муҳокама қилиши кераклигини ҳамда бундан бундан маҳалла тизими ходимларининг оила маоши ҳудудда жиноятчилик жиловлангани, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” билан ишлашдаги натижаларга қараб оширилишини қайд этди.



Хусусан, Президентимизнинг бу йил Олий Мажлиси йўллаган Мурожаатномасида маҳалла тизимининг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги ўрни янада мустаҳкамлаш, соҳа фаолиятини чуқур ислоҳ этиш мақсадида бутунлай янги мезон — “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили илгари сурилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида мамлакатимизда оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, “Обод маҳалла — хавфсиз маҳалла” тамойилини амалга татбиқ этишга қаратилган янги тузилма — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши бу борадаги сай-ҳаракатларга янгича мазмун бахш этди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган қисқа давр мобайнида соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланиб, оилаларни ҳар



томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимга янги иш услубларини кенг татбиқ этиш, маҳалла тизимига аҳоли муаммолари билан ишлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, ушбу ноёб институт то маънода жамиятнинг миллий бошқарув идораси бўлиши учун унга яқиндан кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Бироқ тан олиш лозим, ўтган бир йилга яқин вақт давомида вазирликнинг қуйи бўғини бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш самарадорлиги аниқ ва кутилган натижага олиб бериш, дея олмайдим. Хусусан, Президентимизнинг 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи, қолаверса, давлатимиз раҳбари берган алоҳида топшириқларга асосан, мазкур вилоят мисолида маҳалла тизимини ўрганиш жараёнида ҳали тизимда қилинадиган ишлар, ҳал этиладиган муаммолар талайгина эканига яна бир бор амин бўлдим. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳалла институтининг ролини ошириш, тизимдаги ишларни “маҳаллабай” асосида ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Аввал ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш дастури “Юқоридан — қуйига” тизими асосида шакллантирилди эди. Хоразм вилояти мисолида илк бор ҳаётга татбиқ этилаётган янги тизимга кўра, энди туманлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради.

Унга кўра, вилоят маҳаллаларида чорвачилик, паррандчилик, хунармандчилик ёки бошқа ишлаб чиқариш имконияти мавжуд 11 та ўсиш нуқтаси аниқланди. Энди маҳалла фуқаролар йиғини раислари йирик тадбиркорларни аҳоли хонадонларига касаначилик тизимида ишлаш учун бириктиради. Бу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларнинг ҳаққоний даромади ошишига эришилади.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса, соҳада фаолият юритаётган ходимлар малакасини ошириш, аҳоли муносабатлари билан ишлаш, халқни безовта қилаётган муаммоларни ижобий ҳал этишда юқори малакали кадрлар таркибини шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи давомида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтаркан, бугунги кунда мамлакатимиздаги ислоҳотларни энг қуйи бўғинга етказишда маҳалла раислари билан бирга, маҳаллий раҳбарлар ҳам сустанликка йўл қўяётганини жиддий танқид қилди.

“Маҳалла раисларини сайлаймиз, улардан кўп нарса талаб қиламиз, лекин бунинг учун маҳаллий раҳбарлар нима қилапти, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Энди давлат идоралари ходимларининг моддий манфаатдорлигини одамларнинг розилигидан келиб чиқиб белгиланадиган тизим қиламиз. Солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъул раҳбарлар маҳаллаларда ишлади. Маҳалла раислари ўз ҳудудидagi муаммолар бўйича уларга талаб қўяди. Ислоҳотларни энг қуйи тизимда бажаришни асоси шу”, дея таъкидлади Президентимиз.

Мазкур тизимни йўлга қўйиш учун дастлаб Богот тумани мисолида

18 декабрь — Халқаро муҳожирлар куни

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотига кўра, бугунги кунда муҳожирлар сони дунё бўйлаб 272 миллион кишига етди, уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Жаҳон миқёсида мигрантларнинг 52 фоизини эркеклар, 48 фоизини аёллар ташкил этади.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Айтиш кераки, маълум муддатга ишлаш, ўқиш, яшаш ёки юртидаги но-тинчликлар туфайли бошпана излаб, ўз юртинга тартан эмигрантлар ўзга ҳудудда истиқомат қилиши ва фаолият юритиши учун эътибор ва кўмакка муҳтож бўлади. Бу жараёнда, аввало, уларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, ўзга жамиятда ўз ўрнини топиши, солоҳиятини намоён этиши учун қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир.

Ана шу жиҳатлар эътиборга олинган, 1990 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенцияси қабул қилинган. 2000 йилда эса халқаро ҳамжамият томонидан бу сана Халқаро муҳожирлар куни деб эълон қилинди. Жорий йилда ҳам ушбу сана бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ўзига хос тарзда нишонланмоқда. Бу жараёнда миграция соҳасидаги ҳуқуқий асослар, уларда акс этган вазифаларни ижро этиш, глобал пандемия туфайли мураккаб вазиятга тушиб қолган муҳожирларни қўллаб-қувватлаш борасида миллий ва халқаро миқёсда амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳлил этилмоқда.

Пойтахтимизда пандемия шароитида миграция соҳасидаги янги тенденциялар, миграция жараёнини бошқариш ва муҳожирларни ҳимоя қилиш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган ўтказилган халқаро форум ҳам ана шундай муҳим тадбирлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Халқаро миграция ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Марказий Осиё, МДҲ республикалари, Осиё ва Европа қитъаси давлатларидан шу соҳадаги малакали экспертлар иштирок этди.

Глобал жараённинг ажралмас қисми

**Эдлра ГЖОНИ,**  
“Impact center” илм ва ривожланиш илмий-тадқиқот маркази  
ижрочи директори (Альбания):

— Миграция бугун глобал дунё ривожига асосий ўрин тутадиган жараёнга айланган. Шу боис, миграция ҳаракатини, бу жараён иштирокчиси бўлган ҳар бир инсонни қўллаб-қувватлаш зиммаларига муҳим вазифадир. Менинг Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ушбу сафарим давомида мамлакатимизда мигрантларни қўллаб-қувватлаш бўйича қизгин

бўлган миграция масаласи мамлакатимиз учун ҳам долзарб. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг муайян қисми ишлаш, таълим муассасаларида ўқиш ва бошқа мақсадларда хорижий мамлакатларга боради. Бу жараёнда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, уларнинг ҳолидан доимий хабар олиб туриш, кўмакка муҳтож бўлганда қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда мамлакатимизда бу борада чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркия, Япония ва БАА билан меҳнат миграцияси бўйича ҳуқуқатларо битимлар тузилди. Чет элда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун алоҳида жамғарма ташкил этилди, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Президентимизнинг жорий йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қар



ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Айниқса, пандемия даврида бу борада дадил қадамлар ташланмоқда. Хориждаги мигрантлар давлат томонидан ҳимояга олинган, уларга ҳам томонлама кўмак бериляпти. Айтиш кераки, меҳнат муҳожирларини хорижда ва мамлакат ичида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзига

ратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, касбий тайёргарлик ва чет тилларни ўргатиш, молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларнинг интеграцияси, тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш ва рағбатлантириш каби муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг мигрантлар масаласига янгича ёндашуви, айниқса, глобал пандемия туфайли бутун дунёда юзга келган мураккаб шароитда янада яққол намоён бўлди. Хорижда ишга кетиб, пандемия чекловлари натижасида оғир шароитга тушиб қолган кўпгина юртдошларимиз давлатимиз ҳимоясига олинди. Юртга қайтиш истагида бўлганлар махсус рейслар орқали Ўзбекистонга олиб келинди. Хорижда қолган юртдошларимиз орасидан ижтимоий кўмакка муҳтожларга карантин даврида моддий-маънавий кўмак берилди.

Айни пайтда меҳнат мигрантларини хорижда талаб ва эҳтиёж юқори бўлган касб-хунарлар бўйича ўқитиш, тил ўргатиш ишлари давлат ҳисобидан бепул амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар нафақат юртимизда, балки меҳнат мигрантларимиз сони кўп бўлган Россия Федерациясининг турли ҳудудларида ҳам ташкил этилмоқда.

Халқаро форумда мамлакатимизда ва дунёда бугунги кунда миграция масаласида амалга оширилаётган ана шундай муҳим чора-тадбирлар ва уларнинг ўзига хос самаралари, бу соҳадаги долзарб муаммолар хусусида маърузалар тингланди ва ўзаро тажриба алмашилди.

Тадбирда иштирок этган халқаро экспертлардан баъзиларининг бу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича малакаси етишмаслигидан кўп қийналади. Ҳозирги кунда ҳуқуқатлар бўйича малакаси етишмаслиги эътибор қаратиб, хориждан мутахассислар жалб этиб, чет элга ишлашга борадиган фуқароларни тил ва касб бўйича ўқитаётгани қувонарли воқеа. Биз ҳам Москвада ташкил этилаётган тадбирларда фаол қатнашяпмиз.

Ҳозиргача Москва шаҳрида ташкил этилган касб-хунар ва тил ўргатиш курсларида 150 нафарга яқин Ўзбекистон фуқароси бепул таҳсил олди ва муайян касб бўйича махсус сертификатга эга бўлди. Бугунги тадбир бу борадаги ютуқлар қаторида камчиликларни таҳлил этиш ва истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини белгилашда муҳим қадамдир.

глобал ва минтақавий тенденциялар, COVID-19 пандемиясининг мигрантлар фаолиятига ижтимоий-иқтисодий таъсирини юмшатиш билан боғлиқ устувор масалалар хусусида фикр алмашилди.

Тадбир доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташаббуси билан пандемия даврида муҳожирларга ёрдам беришда фаоллик кўрсатган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллари ўртасида ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди.

Форум иштирокчилари пойтахтимиздаги мономарказ фаолияти билан танишди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР



**Муродулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,**  
олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида мамлакатимизда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида Миллий малака тизимини ишлаб чиқиш, юртимизда 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

муносиб иш ҳақига эга бўлиши, қолаверса, бутун бошли миллат имижига ҳақида бормоқда.

Хорижа иш излаб кетаётган аксарият мигрант юрдошларимиз қурлиши, ободонлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида юқори малака талаб этмайдиган, оғир, кам иш ҳақи тўланадиган, халқ ибораси билан айтганда, "қора меҳнат" билан шуғулланмоқда.

Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири мамлакатимизда ана шу "қора меҳнат"га муқобил бўладиган, юқори маош

Малака — халқаро таълим бозорида ихтисослашув деб ҳам аталади, бу иш берувчи томонидан ходим(ёлланувчи, иш ўрнига даъвогар, бўш иш ўринлари танловда қатнашувчи, ишчи ёки хизматчи)га қўйилган талаб ва юқлатилган вазифалар мажмуидир.

Малака ўзида ходимнинг меҳнат фаолиятига қўйиладиган масъулият, касбий тажриба, маҳорат ҳамда рағбатни мужассамлаштиради. Иш берувчи томонидан мутахассис, ишчи ходимга қўйилган малака талаблари профессионал таълим стандартларида акс этиши шарт. Акс ҳолда, таълим ва ишлаб чиқариш, битирувчи малакаси ва иш берувчи талаблари ўртасидаги узвийлик йўқолади.

Профессионал стандарт — иш берувчининг ҳар бир иш ўрни ёки унга даъвогар бажарадиган меҳнат вазифалари тафсилоти, тажриба, касбий маҳорати тавсифи, таснифи (меҳнат фаолияти натижасида етиштираётган, ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳамда кўрсатаётган хизматларининг сифати) белгиланган меъёрий ҳужжат. У ўзида ходимнинг билим, кўникма ва имкониятларини акс эттиради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, профессионал таълим стандартида ходимнинг малака даражаси аниқ белгиланган бўлади. Энг асосийси, ана шу малака даражаси ходимнинг ўсиши ва кейинги ихтисослашув даражаси юқсалишига пиллапоё бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатлар, жаҳонга машҳур гигант компанияларда бу жуда кучли мотивация, тўғри йўналтирувчи ва рағбат берувчи омил ҳисобланади. Чунки бунда ходимнинг нуфузи босқичма-босқич юқорилаб бориши учун зарур тизим рағбат берувчи омил ҳисобланади. Бу тизим, ўз навбатида, ходимнинг рақобат доим тайёр туришини, малакасини ошириб боришини ва келажақда муваффақиятга эришини кафолатлайди. Масалан, электр устаси касбининг бир нечта малака даражаси мавжуд. Лекин

шу пайтгача уларнинг барчасига бир хил ҳужжат берилган, унда бугунги меҳнат бозори талаблари шакллантирилмаган ва баҳоланмаган. Бу эса шу диплолга эга шахсининг чет элда ўзига мос иш топишига имкон бермаган. Чунки унинг малака даражасини тартибга соладиган тизим мавжуд эмас эди.

Ўзбекистонда энди янги профессионал таълимда биринчи марта ҳар бир мутахассиснинг халқаро меъёrlарга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган ҳужжат — Миллий малака тизими қабул қилинди. Иқтисодийнинг ҳар бир соҳаси бўйича тармоқ малака тизимлари белгиланди.

Айни пайтда ҳар бир иш ўрни ва лавозимнинг вазифалари, таснифи ва уни самарали, муваффақиятли бажариш учун лозим бўлган кўникма, билим ва лаёқатлилик ёритилган малака талабларининг янги форматдаги меъёрий асослари яратилмоқда. Энди профессионал таълим дастурларининг мазмуни, таълим натижалари, таълимнинг сифати шу меъёрий асосларга мувофиқ шакллантирилади. Бу тизим биз тайёрлаётган мутахассисларнинг ҳам маҳаллий, ҳам хорижий меҳнат бозори ўзгаришларига мослаша олишига имконият яратади. Устига-устак, айни пайтда меҳнат бозорида рақобат муҳити анча кескинлашган, корхоналарнинг ишчи ёки мутахассис ёллаш тизимлари тақомиллашган, талаблар мутлақо ўзгарган.

Бу ҳолатни оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, энди иш берувчи фақат диплом билан қифояланмайпти. Қўлингдан нима келади, бошқалардан нима устунлигинг бор, деб сўралапти. Агар расмий тилда ифода этасак, иш берувчи тасдиқланган малака даражаси, баҳоланган лаёқатлиликни талаб қилапти. Қолаверса, бугун меҳнат бозорида рақобатнинг асосий шarti ҳам шу.

Бугунги иш берувчи ҳар бир ходимни ишга танлов асосида қабул қилади. Даъвогарлар иш берувчига ўзи ва малакаси ҳақида маълумот, малака сифатини тақдим этади, ундан сўнг суҳбат асосида лаёқатлиги баҳоланади.

Шу боис, бир иш ўрнига бир нечта даъвогар бўлиб турган ҳозирги ҳолатда иш берувчи ишга олиш учун нималарни ўлчов, меъёр ёки баҳолаш мезони қилади, деган саволга бугунги замонавий таълим тизимида аниқ жавоб бўлиши керак.

Бу ўринда иш берувчи корхона билан таълим муассасаларининг муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу

Ўзбекистонда энди янги профессионал таълимда биринчи марта ҳар бир мутахассиснинг халқаро меъёrlарга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган ҳужжат — Миллий малака тизими қабул қилинди. Иқтисодийнинг ҳар бир соҳаси бўйича тармоқ малака тизимлари белгиланди.



муносабат ва мақсадлар уйғунлаштиришининг ягона формати бўлган профессионал таълим стандартларида ўз аксини топади. Иш берувчи профессионал таълим тизимида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи вазифасини бажариши керак. Чунки профессионал таълим стандарти иш берувчи томонидан қўйиладиган малака талабларининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Бир сўз билан айтганда, иш берувчи таълим берувчига ишончли ҳамкор бўлиши керак.

Айни шу маънода сифатсиз профессионал таълим стандарти самарасиз профессионал таълимга сабаб бўлиши мумкин. Бундан хулоса шуки, мукаммал профессионал таълим стандарти аслида таълим сифатига буюртма демакдир.

Иқтисодий ривожлантириш учун молиявий, техник, технологик ва, албатта, инсон ресурслари зарур. Ана шу ресурслар қанчалик қувватли бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ёшлар, хотин-қизлар, камбағалликни қисқартириш ва мигрантлар каби долзарб масалаларга доир янги сиёсатни амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пировардида иқтисодий юқсалиш билан боғлиқ жиддий

сиёсий вазифалар ўз ечимини топиши назарда тутилмоқда.

Миллий малака тизимининг қабул қилиниши, профессионал таълим стандартларининг жорий этилиши ёшларимизнинг профессионал ўсиш йўналишларини белгилаб олишларига имкон яратади, ўз истикболини юқсалтириш, умуман айтганда, эртанги кунга қатъий ишонч пайдо қилади. У, айниқса, инвестиция дастурлари асосида янги технологиялар кириб келаётган соҳалар, корхоналар, меҳнат мигрантлари сифатида хорижа кетаётган ёшларимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, Миллий малака тизими ёшларимизнинг потенциалини оширади, меҳнат бозоридаги имкониятларни кенгайтиради, рақобатбардошликни таъминлайди.

Бугун профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг истиқболли, самара ва натижаси иш берувчи ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлигига, ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнининг узвийлиги, миллий малака тизимининг муваффақиятли жорий этилиши, мукаммал профессионал стандарт ва сифатли таълимга боғлиқ. Бу тизимнинг муваффақиятли жорий этилиши яқин истиқболдаги тараққийетиши жадаллашувини ҳам белгилайди.

Малака тизими ривожланган давлатларда синовдан ўтган, меҳнат бозори, профессионал таълим, касбга ўқитиш ва ўргатиш тизимининг уйғунлашуви сифатида муваффақият қозongan. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам жорий йилдан бошлаб илк бор миллий ва тармоқ ихтисослашув тизими, касб ва мута-



хассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандарти ва дастурлари жорий этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозори билан таълим соҳаси интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Бу ерда гап нафақат маҳаллий меҳнат бозори, балки хорижда меҳнат қилаётган юрдошларимизнинг мутахассис сифатидаги мавқеи, халқаро талабларга мослиги, ҳамда кам нуфузли жойларда меҳнат қила олиши,

тўланадиган, меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган, нуфузли иш ўринларида фаолият юритиш имконини берадиган Миллий малака тизими асосида ўқитиш, касбга ўргатишнинг йўлга қўйилмаганидир. Шу боис, профессионал таълим тизимида мутахассисларга юқори малака бериш бош мақсадга айланishi керак. Жуда кўп мамлакатларда замонавий миллий малака тизими жорий этилган, корхоналарнинг профессионал стандарт талаблари асосида ишга қабул қилиши қатъий белгилаб қўйилган.

## ҚОРАҚҮЛ МАКТАБИ ТАЖРИБАСИ СУРХОНДАРЁДА

**Усмонали НОРМАТОВ,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти, ривож, аввало, ўша ерда илм-фанга, уни ўргатишга нечоғлиқ эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар жараёнида республикамиздаги олий ўқув юрглари, мактаблардаги илгор ўқитиш усуллари, анъаналари оммалашмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабидаги ўқувчиларга билим бериш усули Сарийосиё ҳамда Жарқўрғон туманларидаги мактабларда татбиқ этилаётган.

Оиладаги фарзандлар меҳнатсевар бўлиб улғайиши, бирор касбга қизиқиши учун, аввало, ота ўрнак, маслаҳатчи бўлиши, ҳали ғўр болаларга йўл-йўриқ кўрсатиши қанчалик аҳамият касб этса, ҳар бир мактабда таълим-тарбия соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш учун туман халқ таълими бўлими мудири ва бу масканда меҳнат қилаётган тажрибали услубчиларнинг маслаҳати, ташаббускорлиги ҳам шунчалик зарур.

Сарийосиё тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари саъй-ҳаракати билан тажрибали ходимлардан иборат гуруҳ тuzилган. Улар ҳар ҳафтада олти-еттита мактабга бориб, 9-, 10-, 11-синф ўқувчиларидан математика, она тили, кимё ва бошқа фанлардан назорат иши олади. Ўқувчиларнинг фан сирларини қай даражада ўзлаштираётгани, ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида қўллаётган илгор педагогик технологиялар ҳамда ўтилаётган дарслар сифати ва самарадорлиги текширилади. Бу тарзда назорат ишлари ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам масъулиятини оширишга, ўқишга ҳамда ўқитишга нисбатан муносабатини ўзгариштиришга, йўл қўйилган хато-камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилапти. Натижада мактабларда ўқитиш мазмуни ва сифатида ўзгариш сезилмоқда. Бугун тумандаги 22 та умумтаълим мактабида репетиторлик тўғрисидаги таълим журналида фанлардан олган баҳоларини ҳисоблаб чиқариш ва рейтингга энг юқори балл тўплаган 40 нафар ўқувчи рўйхати тuzилиб, стипендия тавсия қилинади. Ҳамма ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокидаги йиғилишда аълочи ўқувчиларга хатжилдларга солинган стипендия тарқатилади.

дан бўш пайтлари репетиторлик ҳам қиларди. Беш йил мобайнида ундан инглиз тилини ўрганган ёшларнинг 100 нафардан зиёди бугун олий таълим муассасаларида тахсил оляпти.

Педагогик жамоа Тождидини директорликка тавсия этган, илм даргоҳида таълим-тарбия сифати ўзгарди. Директор ташаббуси билан репетиторлик тўғрисидаги таълим журналида 100 нафардан зиёд 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари дарсдан бўш вақтлари ўз хоҳишлари билан тўғарак машғулотларида қатнашмоқда. Комрон Ғойибов, Суман Қурбонова, Даврон Жумаев каби тажрибали ўқитувчилар дарсдан сўнг она тили, математика, тарих фанларидан чуқурлаштирилган дарслар ўтиб, ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамламоқда. Директорнинг ўзи ҳам инглиз тили фанидан репетиторлик сабоқларини давом эттирмоқда ва бу хизмати учун ўқувчиларнинг ота-онаси тўлайдиган маблағни аълочи, хулқи ва одоб билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган 40 нафар ўқувчига ойлик стипендия қилиб берапти. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Нуриддин Холиқов, илмий ишлар бўлими директор ўринбосари Меҳрождидин Қороев, она тили ва адабиёт фани муаллими Зилола Ҳамидова, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ойсанам Ражабовадан иборат комиссия аъзолари 5-, 11-синф ўқувчиларининг бир ой мобайнида синф журналларида фанлардан олган баҳоларини ҳисоблаб чиқариш ва рейтингга энг юқори балл тўплаган 40 нафар ўқувчи рўйхати тuzилиб, стипендия тавсия қилинади. Ҳамма ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокидаги йиғилишда аълочи ўқувчиларга хатжилдларга солинган стипендия тарқатилади.

Гап стипендия миқдорининг оз ёки кўплигидан эмас. Шубҳасиз, кўпчилигининг ўртасида директор ва унинг ўринбосарларидан олқиш эшитиш,

стипендия олиш ўқувчини яна аъло ва яхши баҳоларга ўқишга руҳлантиради. Кўпнинг ўртасида мақталган ва стипендия олган тенгдоши муваффақияти бошқа ўқувчиларни ҳам фанлар сирларини чуқур эгаллаб, аълочи бўлишга ҳаваслантиради.

Яна бир тажриба: мактаб маъмурияти ташаббуси билан ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва дунёқарашига мос кутубхона ташкил этилган. Синфнинг бир бурчагида ёғочдан дарахт шаклига ўхшатиб жавон қилинган. Китоблар дарахт шохларига қўйилган. Пастдаги шохда турган китобни ўқиб бўлган ўқувчи жойига қўяди-да, иккинчи шохдаги китоб мутлаасига киришади. Ўқув йили якунигача ўқувчилар дарахтнинг энг баланд шохидидаги китобларга қўиб тугатган, китоб воқеалари, моҳияти хусусида баҳс, мушоира, савол-жавоб ва викторина ўтказилади. Илм даргоҳида Президентимизнинг беш ташаббуси асосида китобхоналик ва спорт мусобақалари доимий ташкил этиляпти. Ўқувчилар 2019 йил республика миқёсида онлайн тарзда ўтказилган танловда мамлакатимиздаги 85 та мактаб ўқувчилари орасида беш ташаббуснинг 2 ва 4-ўйналишларида ғолиб топилиб, 50 та энг сара китоб, компьютер жамланмиси ва 35 миллион сўмлик спорт жиҳози ҳамда кийим-кечақлари билан мукофотланди.

Илм даргоҳида таълим сифатида эътибор қўйиладигани туғайли билимдонлар сафи ортомқда. Масалан, ҳозир 11-синфда тахсил олаётган Манижа Қудратова 9- ва 10-синфда ўқиганда тожик тили ва адабиёти фанидан ўтказилган фан олимпиадаси вилоят босқичида ғолиб бўлган. У яқинда фан олимпиадаси туман босқичида яна энг кўп балл тўплаб, вилоят босқичида қатнашадиган бўлди.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига қўра, бундан кейин ҳар бир мактаб педагогика жамоасининг иш фаолияти ва мактаб рейтингига ўқувчиларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга киргани ва ишга қабул қилинганига қараб баҳо берилади. Вилоятдаги қатор мактабларда бу борада ижобий тажрибалар шаклланипти. Мисол учун, 2019-2020 ўқув йилида Жарқўрғон туманидаги 19-умумтаълим мактабини битирган 155 нафар



ўқувчининг 51 нафари ОТМлар, 4 нафари эса техникумлар талабаси бўлди. Бу, албатта, бежиз эмас. Мазкур даргоҳда халқ таълими вазириликнинг буйруғига асосан ташкил қилинган вариатив (ўзгарувчан) ўқитиш тажрибаси ўз самарасини берапти.

— 2020 йилнинг февралда битирувчи синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари индивидуал хоҳиш-истаклари, қобилиятларига мувофиқ вариатив синфини ташкил этгандик, — дейди мактаб директори Зарифа Чориева. — Ўқитишнинг бу усулини танлаган ўқувчилар бошқа синфдошлари қатори барча фанлар дарсларида қатнашди. Дарслардан кейинги икки соат мобайнидаги репетиторлик машғулотларида математика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилди. Вариатив усулда ўқини хоҳлаган ўқувчиларга тажрибали ва изланувчан устозларимиз сабоқ берди. Натижада вариатив тарзда ўқиган ўқувчиларнинг ҳаммаси талабаликка қабул қилинди.

Ҳа, олис қишлоқ мактабидида болаларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киргани устозларининг обрўсини оширди, уларга нисбатан халқнинг, ота-оналар ва педагогик жа-

моанинг ҳурмати яна ҳам ортди. Ҳозирда мактабда тахсил кураётган қўиб синф ўқувчилари тасаввурда ўша устозлар дарс беришига муносабат ва қизиқиш кучайди. Уларнинг кўпчилиги: "Мен ҳам шу устозлардан сабоқ олсам, келгусида институт, университет талабаси бўламан" деган ёрғун ният билан ўқиб, изланмоқда.

Албатта, ўқувчиларининг 95 фоизи талаба бўлган ўқитувчилар меҳнатини мактаб маъмурияти эътиборсиз қолдирмади, уларни киммат-баҳо соғвалар билан сийлади, директор жамғармасидан мукофот берилди.

Айтиш кераки, илм даргоҳида синов тариқасида жорий қилинган вариатив ўқитиш усули ўзини оқлагани учун 2020-2021 ўқув йилининг дастлабки кунларидан 22 нафар ўқувчи репетиторлик машғулотларида қатнашди. Ўқувчиларга дарсдан сўнг инглиз тили, математика, тарих фанларидан машғулотлар ўтказиш учун тажрибали устозлар Лола Қаршиева ва Ўктам Алимназарова мактаб маъмурияти қулай шартлар яратиб берган. 19-умумтаълим мактабидида жорий этилган вариатив ўқитиш тажрибасини бошқа мактабларда ҳам жорий этиш учун ўша даргоҳларнинг устозлари келиб тажриба орттиряпти.



Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ,  
филология фанлари номзоди

Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига

Тарихий аҳамиятга молик рақамлар зерикарли туюлиши мумкин, лекин улар муайян шахснинг муайян макон ва замонда кечган умрини имкон қадар аниқ ва яққол тасаввур қилишга имкон яратади. Наинки мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътирофга сазовор бўлган атоқли шоир, ёзувчи, таржимон, журналист Асқад Мухтор бир шеърда уқтириб ўтган мана бу бадий иқдор унинг маънавий, ахлоқий, фалсафий ўзагини тўғри ифодалайди, дейишимиз мумкин:

Яшаш қийин, чунки виждон очик ярадай,  
Ноҳақликни дарддек сезиш учун ярагай.  
Ўз деб билдим ўзгаларнинг ғамин, қувончин,  
Ўзим билан муросада яшашим учун.



“ЎЗ ДЕБ БИЛДИМ ЎЗГАЛАРНИНГ ҒАМИН, ҚУВОНЧИН...”

У 1942 йили Ўрта Осиё университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугаллаган. 1942–1945 йилларда Андижон педагогика институтининг кафедра мудири, 1945–1948 йилларда ўша вақтдаги “Ёш ленинчи”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида масъул котиб, бўлим мудири, 1957–1969, 1985–1988 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби, 1965 йилда бошқарув раиси ўринбосари, 1960–1965 йилларда “Шарқ юлдузи” журна-ли, 1969–1980 йилларда “Гулистон” журна-ли, 1981–1982 йилларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган. “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” (1980) фахрий унвони, “Чинор” романи учун Ҳамза номидаги давлат мукофоти (1972), “Дўстлик” орденига (1995) муносиб кўрилган.

Асқад Мухторнинг бой адабий мероси, шоирлик, ёзувчилик, таржимонлик маҳорати тадрижини бир мақола доирасида баён қилишнинг имкони йўқ. Романлари, қиссалари, ҳикояларининг аксарияти ҳозир ҳам севиб ўқилмоқда. “Чинор” асари адабий танқидчилик томонидан “миллий тарих заминиди яратилган теран миллий романлар” (Л.Қаюмов) қаторида ҳақоний баҳолангани Асқад Мухторнинг насрдаги муваффақиятлари борасида етарли таассурот уйғотади, деб ўйлаймиз.

Асқад Мухторнинг таржимонлик маҳорати хусусида сўз кетганда, Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедияси асосида саҳналаштирилган спектаклни эслайлик. Уни кўрганлар хотирасидан ўчиб кетмаган бўлса кераки, Шукр Бурхонов, Сора Эшонтўраева каби улуг актёрлар ижросида жаранглаётган она тилимизнинг муъжизавий бойлигини, маъно товланишларини ҳис қилиб, кўзга ёш келарди... Таржимон маҳорати-га бундан ортиқ баҳо бўлмаса керак!..

Асқад Мухтор шеърлари лирик қаҳрамони ўз ватанида ва жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлигини унутмай, ҳар он сезиб турадиган, уларга билвосита ёки бевосита муносабат билдирадиган, бунёдкорлик ишлари-га камарбаста, ижтимоий фаол, ватанпарвар, инсонпарвар, маънан баркамол шахс. Беҳиз эмаски, у ҳар вақт одамийлик шаънини покиза сақлайди, ёшлик жунунларини ҳам унинг замиридаги юксак туйғулар моҳиятини очган ҳолда баланд пардаларда тараннум этади. У севикли ёрига:

Эслайсани, жоним,  
у чоқларни,  
Оламда гўёки фақат ўзимиз... —

дея кўнгил изҳорига чоғланганида ҳам “фақат ўзларни”га маълум нозик ҳислар, бир умрга татирли қайноқ туйғулар, титроқларни — муқаддас сирларни овоза қилмайди, уларни айтмасдан айтади, ҳаммага кўриниб турган — ҳаёга тўла хатти-ҳаракатлар, ҳодисалар замирига сингдириб юборади:

Ёлғиз кездик қанча  
сўқмоқларни,  
Майсаларда қолди изимиз.  
Қорда қолди, қировда қолди,  
Қолди кўклам ёзган гулли гиланда.  
Кўл ушлашиб қочдик тоғ олдиди,  
Изларимиз қолди шабнамда.

Худди инсонлар каби энг табаррук тирик жонларга — майса, қор, қиров, кўклам ёзган гулли гилам, шабнамга озор етказмай, севишганлар — бирдай бахтиёр йигиту қиз муҳаббатининг нури бўлиб инган покиза излар... Такрорланар экан, бетақрорлик, икки ёш жўшиб югуришининг суръатини намоён қилаётган “қ” товушининг оҳангдорлиги... Ҳавас уйғотгани бу ҳаяжонли мисралар... Улар тубида ҳаётбахш севгининг булоқлари қишин-ёзин қайнаб ётибди, икки гулга баҳра етказаяпти...

Энди улар мустаҳкам оила қуриб, ота-оналик бахтига эришиб, фарзандларининг ҳар бири



Ҳамза Юлдошев олган сурат.

бўйига тенг бўй, кўнглига тенг кўнгли топиб, бола-чақали бўлган, минг шўқри, бобо-бувилик, вақти-соати етиб катта бобо-катта бувилик бахтига етишиб юрибдилар. Аммо юракларининг сақланиб қолган чўғи уларни ўша, ёшлик шавқидан оташин ҳислари сўнишига йўл қўймай, оловлантириб турибди.

Кўргинг келадими ўша йўлларни?  
Лирик қаҳрамон таянч тоғи — вафодоридан шундай деб сўрар экан, ўзи бу саволга жавоб кайтарди:

Қишлар ўтди, ўтди баҳорлар...  
Кимлар узди экан ўша гулларни,  
Эриб тугадиқлар у қорлар.

Ҳаёлига ўкинчли фикр ҳам куз ипаги — мезондай илашди:  
Бизнинг изларимиз ўчгандир.

Бироқ у — пири бадавлат, қўшгани билан кўша қариётган, маънан тўқис, рўзғори бут, изидан ўғил-қизлари, неваралари, чеваралари келаётган муҳтарам зот — кўнгли тўқ... (Шу ўринда устод Асқад Мухторнинг сафдоши — устод Мирмуҳсиннинг: “Бир кекса одамнинг тўққиз фарзанди, қирқдан ошиқ неваравара, чеваралари бор. Бобода “панневара”, “ётневара”, “томдан тепадиган неваравара” қуриш орузи ҳам

йўқ эмас”, деган сўзлари ёдга тушади.) Ҳаққаст рост, улуг ёшга етган бўлса-да, ҳар томонлама тўқис киши тушунлики яқинига йўллатмайди, некинликни бировдан қарз олишга ҳам муҳтож эмас. Биз таҳлил қилаётган шеърнинг лирик қаҳрамони ўзига тасалли бериб, ҳаёт бардавомлигини ибрат олиб, бундай дейди:

Янги қорга,  
Янги майсаларга  
Янги-янги излар тушгандир...

“Янги-янги излар” навқирон насл вакиллари камолини намоён қилиб, ўз умри ва, умуман, ҳаёгга масъулликни зиммасига олиб, муҳаббат дунёсига ҳаяжон билан қадам қўйиб, охир-оқибат йигитлар уйланиш, қизлар турмушга чиқиш, фарзандли бўлиб, оилани мустаҳкамлашга қарор қилганларини англатади. Бинобарин, яқуний

мисралардаги ёшликни кўмсаш, соғиниш ота-оналик, бува-бувилик (“ўригидан мағзи ширин...”) туйғуларига қўшилиб кетган — нақадар ажойиб!.. Асқад Мухтор фалсафий лириккасининг мазкур ёрқин намунаси ажодлар ва уларга ворис авлодлар руҳий уйғунлигини, шу билан бирга, тамомила ўзига хослигини ҳам моҳиятан акс эттиради. Адабиётимизда, бугунги шоирларимиз ижодиди шундай ёрқин бадий тимсоллар бетақрорлик ила кўпайиб борсин!..

Асқад Мухтор ижоди, хусусан, фалсафий-эстетик қарашлари адабиётшуносликнинг, эстетиканинг назарий масалаларига амалий жавоб топишда ҳам асқатмоқда. Дейлик, лирик қаҳрамонни, бутун шеър руҳини ёки янада кенгроқ миқёсда қамраб фикрласак, маълум намуна — қайси адабий турга ёхуд жанрга мансублигидан қатъи назар, унинг барча қаҳрамонлари, тагин ҳам аниқроғи, мазкур яхлит ва тугал бадий асар руҳини муаллиф яратади ва уларни мантқан бирлаштириб туради. Зеро, ҳар қандай асар муаллифнинг ижоди сифатида яшайди ва у ҳеч ким дахл қила олмайдиган ўз мустақил ҳаётига эга бўлади.

“Тун” шеърда муаллифнинг ўзи асосий қаҳрамонга айланади. Бу шеър дуога ўхшайди. У қуйидагича жонли ва ёрқин тасвир билан бошланади:

Ойни тишлаб, чиқиб келар тун,  
Ҳар юлдуз қалққанда кўкси тешилар...

“Тун” айна ҳолатда анъанавий мазмунидан узоқлашиб, ёруғликка жонфидо бўлиб, (худди боласини авайлаб-асраганича тишлаб кўтариб бораётган она арслондай) ойни тишлаганича чиқиб келаётган, ҳар юлдуз қалққанда “бағри тешилаётган” — зиёга бойиб бораётган — ёруғликка оғушта бадий тимсолга эврилади, у мухлис кўнглига ҳайрат ва завқ олиб қиради.

Мана шу гўзал ҳолга эзгу тилак — дуо табийи равишда улашиб кетади:

Яхши тушлар кўринг, яқин-йироқда  
Юрагимга яқин кишилар.

Муаллиф шўрвий қуюқзонни маънан тарқ этган. Дунё унинг учун бир-бирини махв этишга тайёр турган икки гуруҳга — дўстлар ва душманларга бўлинган эмас: бутун жаҳонда меҳрага оқибат билан жавоб берадиган, “яхши тушлар кўринг”, деган сеҳрли тилакка — юксак руҳий хотиржамликка, башоратга қоришиқ

некинликка муносиб кишилар яшайди. Шоир “яқин-йироқдаги” деганда “бутун жаҳон”ни назарда тутганини навбатдаги мисралар янада бадий равшан ифодалайди:

Қайдадир оқ, юмшоқ, меҳмондўст қиш,  
Парку ёстиқлар-ла безайди тўрин.  
Қайдадир ям-яшил боғлар... Ҳаммангиз  
Яхши тушлар кўринг.

Асқад Мухтор, ниҳоят, яхшилар ҳамжиҳатликка эришганга ишонади... Юқоридаги бадий матн шундан далolat... Аммо эзгулик қўлини баланд қилгунча, жаҳон аҳли кўп машаққатларни бошдан кечирди, чарчади-толди. “Эзгу орзуларда оромини топадиган” “ҳорғин дунё” алқовларга лойиқ.

Муаллиф бу муддаоларни ҳассослик ва чечанлик билан бадий мужассам этади:

Оқ йўл сизга, тунги йўловчлар,  
Янги манзилларда кутсин  
Оғтиб.  
Яхши тушлар кўринг,  
ҳорғин дунё,  
Эзгу орзуларда оромингни топ.

Бадий мантқ тадрижий ривожини таъминлаган ҳолда муаллиф шеърнинг авж нуқта-сига — даврий ноёб ҳодиса (феномен) даражасига кўтарилган бадий тимсол, “инсон уйғоқ руҳи”га етиб келади...

Уйғоқ рух — одамзоднинг туғма хусусияти, ҳаёт сувини ичган фазилати, уни юксакларга кўтарувчи азалий ва абадий, инсоний куч-қудратидир. Асқад Мухтор уни алқайди, чунки барча эзгу ишлар бу нафас олиш ва чиқаришдек табиий салоҳият сабабли рўёбга чиқишига ишончи қомил:

Хайрли тун, уйғоқ инсон руҳи...  
Шоир ушбу олижанобга қувват бахш этиб, ҳаммаша қўлдош ва йўлдош, илҳомчи ва ҳоди бўлувчи яна бир азизнинг ғамматига кўз тутди:

Муҳаббат софласин сени оташдай.  
Муаллиф тасаввури ниҳоятда кучаяди, авжга чиқади... У гўёки ердан кўкка кўтарилгани ва она сайрагани — Ер шарига жуда юқорилардан туриб, соғинч билан тикилади, олқишлар айтади:

Учавер, жонажон яшил планетамиз...  
Кўнглига кўрқув солувчи “чексиз зулматлар” айнаи шеър оламига кириб келади...

“Тун” бадий тимсоли фавқуллода ҳайратга солувчи, мантқий, янги мазмунига қўра, миллий ва умуминсоний аҳамият касб этади. Шоир қалбиди ойдинлик билан бирга некинлик ҳам балқийди, хайрли тун тилаш унинг руҳидаги маънавий эҳтиёжнинг мужассами ўлароқ амалга қиради, чексиз зулматлар даҳшати исзис йўқолади. Энди унинг нияти башарият мурод-мақсади бўлиб янграйди:

Учавер, жонажон яшил планетамиз,  
Чексиз зулматларда адашмай!

“Тун” — Асқад Мухтор ижоди, миллий адабиётимиздагина эмас, жаҳон шеърини миқёсда ҳам ўхшатиш йўқ, умидимиз борки, ажодлардан-авлодларга ўтиб яшаб қоладиган асар. Тинчлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, фаровон турмуш, тансихатлик, кўнгли хотиржамлиги, тенглик, дўстлик, эркинлик каби эзгу мурод-мақсадларни воқеликка айланттириб, барқарор этиш йўлида ҳормай-толмай курашиб, қадам-бақдам ўз орузига эришар экан, олам аҳли бу шеърни дуодай ўқиса не ажаб?!

Табиийки, илмий, фалсафий ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиш бадий асарларнинг мухлислар онги, дилга мукамал тарзда етиб боришида муҳим омил бўлади. Асқад Мухтор ижодини тадқиқ этиш иши ҳам тобора кенг миқёс ва теранлик касб этиб, тадрижий ривожланмоқда.

Шўролар давридаёқ ягона мафкуравий қоплини четлаб ўтишга интилиш, эстетик ҳодисаларнинг асл моҳиятини имкон даражасида ҳақоний кўрсатиш ёки ишоралар орқали бўлса-да таъкидлаш барча йирик ижодкорларимиз асарларида мавжуд. Истиклол даврида ижодкорларимиз ўз фалсафий-эстетик қарашларини бадий асарлари мағиз-мағизда, шунингдек, адабий-танқидий чиқишлари ва муносабатларида эркин, тўла-тўқис ифодалашга интилмоқдалар. Устоз Умарали Норматов бир ўринда бунга бир неча мисоллар келтиради. Жумладан, адабиётимизнинг истиклол давридаги ривожини, “фалсафий-мафкуравий асоси, эстетик принциплари жиҳатидан хилма-хил адабий оқимлар қарор топиши учун замин ҳозирлангани”ни қайд этиб, бундай деб ёзади: “Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули эмас, кўпроқ илоҳий, туғма — табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шариоит, тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу-хислатларини, онг-идроқдан ташқаридаги англаб етилмаган кечинмаларини бадий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Асқад Мухторнинг “Фано ва бақо”, Ш.Холмиразовнинг “Кўёш-ку фалакда сузиб юрибди...” ҳикояларида тадқиқ этиш бошланган”ини таъкидлар экан, профессор Санжар Содик: “Асқад Мухтор ижодининг ҳар томонлама ҳолис ва янги-таъкидларини яратиш эса келажакнинг вазифаси бўлиб қолмоқда”, деб ёзган эди. Ҳақ гап: Асқад Мухтор ижоди йиллар оша ўқилаверида, ўрганилаверида, албатта.



Ҳаёт ҳар қандай гўзал шеърдан минг қатла ҳусндор эканини тараннум этган, одамга керақдан-керақ эл-юрт бадий тимсолини йўлчи юлдуз мақомига ҳосил қилиб яратган донишманд кўичи ижоди мухлисларга ҳам, тадқиқотчиларга ҳам баб-баравар қадридир. Буни чуқур англаб, адабиётшуно олимларимизнинг мавжуд ишларини эътироф этиб, “ёзувчи ижодини кенгроқ қўламада тадқиқ этиш бошланган”ини таъкидлар экан, профессор Санжар Содик: “Асқад Мухтор ижодининг ҳар томонлама ҳолис ва янги-таъкидларини яратиш эса келажакнинг вазифаси бўлиб қолмоқда”, деб ёзган эди. Ҳақ гап: Асқад Мухтор ижоди йиллар оша ўқилаверида, ўрганилаверида, албатта.